

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

¹(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

6) **52-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«52-модда. Пенсияерларга пенсияларни тўлаш

Пенсияерларга пенсиялар уларнинг талловига кўра доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлимлари томонидан зиммасига пенсияни етказиб бериш (топшириш) юклатилган ташкилот ва тижорат банкининг филиаллари орқали тўланади»;

7) **60-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«60-модда. Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларида яшовчи пенсияерларга пенсиялар тўлаш

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун интернат уйларида (пансионатларида) яшовчи ёлғиз пенсияерларга пенсия ва уларнинг таъминоти учун сарф-харажат ўртасидаги фарқ тўланади, лекин тайинланган пенсиянинг камида 20 фоизи тўланади. Рухий ҳолати бузилган шахслар учун интернат уйларида яшовчи пенсияерларга пенсия тўланмайди»;

8) **63-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Пенсияер вафот этган ой учун олинмай қолган пенсия пули кўрсатиб ўтилган оила аъзоларига ушбу ой учун тўлиқ тўланади»;

9) **65-модда:**

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:
«Тегиририш (ўрганиш) ўтказиш бошланган санадан аввалги уч йил ва ундан ортик даврда тайинланган ва (ёки) қўшимча тақдим этилган ҳужжатларга биноан қайта ҳисобланган пенсияларнинг тегирилишига (ўрганилишига) ҳамда улар бўйича тўланган ортиқча суммаларнинг ушлаб қолинишига (ундирилишига) йўл қўйилмайди»;

иккинчи – олтинчи қисмлари тегишинча **учинчи – еттинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Пенсияер Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси туман (шаҳар) бўлимининг пенсиядан ортиқча тўланган суммаларни ушлаб қолиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда, аниқланган қарадорлик суд тартибида ундирилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова)

1412-моддасининг матни қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишида йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, худди шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларни йиғишга, тизимлаштиришга ва сақлашга оид талабларга риоя этмаслик, ушa ҳаракатларга учун маъмурий жазо қўланилганидан кейин содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки ур йилгача муайян ҳуққудан маҳрум қилиш ёҳуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ушa ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдидан тил бириктириб;
б) тақордан ёки хавфли рецидивист томонидан;
в) гаразли ёки бошқа паст ниятларда;
г) хизмат маквеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса;
д) оғир оқибатларга сабаб бўлса, –
базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодлиқни чеклаш ёҳуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 177, 187-моддалар; № 9, 482, 484, 487-моддалар, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 136-модда, № 9, 335-модда, № 12, 469, 470-моддалар; 2010 йил, № 6, 231-модда, № 9, 334, 336, 337, 342-моддалар, № 12, 477-модда; 2011 йил, № 4, 103, 104-моддалар, № 9, 252-модда, № 12/2, 363-модда; 2012 йил, № 1, 3-модда, № 9/2, 244-модда, № 12, 336-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 385-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 5-моддалар, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430, 431-моддалар, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469-модда, № 9, 589, 592-моддалар, № 10, 671-модда, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 881,

891-моддалар; 2020 йил, № 3, 204-модда, № 5, 296-модда, № 12, 689-модда; 2021 йил, № 1, 5, 11, 13, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, 4-сонга илова) **78-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бундан ташқари, башарти эксперт, мутахассис, таржимоннинг ўз касбига нолайиқлиги аён бўлиб қолса, ҳолислар эса, ички ишлар органи, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, прокуратура, адлия ёки суд ходими бўлсалар, рад қилинишлари лозим».

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашнинг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 169-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **14-модданинг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Ана шу шахслар мазкур Кодекснинг 61, 116¹, 116⁶, 125, 125¹, 126, 127, 128, 128¹, 128², 128³, 128⁴, 128⁵, 129, 130, 131, 132, 133, 134, 135, 135¹, 136, 138, 183, 184, 185, 185¹, 185², 185³, 194, 194¹, 209¹, 218, 220, 221-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлари содир этган тақдирда, улар умумий асосларда маъмурий жавобгарликка тортилади. Содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини ва ҳуқуқбузарнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда мазкур шахсларга нисбатан (ушбу Кодекснинг 194 ва 194¹-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлари содир этган шахслар бундан мустасно) ишлар вояга етмаганлар ишлари бўйича туман (шаҳар) идоралараро комиссиялари ихтиёрига берилиши мумкин, ушбу Кодекснинг 61-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлари содир этган шахсларнинг ишлари эса шу комиссияларга берилиши лозим»;

2) **16-модданинг биринчи қисми** «ички ишлар органларининг» деган сўзалардан кейин «ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **46¹-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:
«Шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишида йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, худди шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотларни йиғишга, тизимлаштиришга ва сақлашга оид талабларга риоя этмаслик, –

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етти баравари, мансабдор шахсларга эса – эллик баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **175¹-модданинг номи ва биринчи қисми диспозижиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«175¹-модда. Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилиқни бузиш

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган мажбуриятларни бухгалтерия ҳисоби субъектининг ва (ёки) бухгалтерия ҳисоби хизматининг раҳбари томонидан бажармаганлик, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботлар маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончилигини таъминламаганлик, шунингдек активлар ва мажбуриятларнинг инвентаризациясини ўтказмаганлиги»;

5) **247-модданинг матнидаги:**
«194-моддасида» деган сўзлар «194 ва 194¹-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«185» рақамидан кейин «185¹» рақами билан тўлдирилсин;

6) **248¹-модда биринчи қисмининг ўзбекча матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органларининг мансабдор шахслари ушбу Кодекснинг 61, 185¹ (божхона тўғрисидаги қонунчилиқни бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарлиқлардан ташқари), 194¹, 195¹, 196 (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органиларига тегишли қисми бўйича) ва 210¹-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлари аниқланган тақдирда, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузди»;

7) **258-модда иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «тиббий² бошқармаси бошлигининг ўринбосари» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

8) **287-модданинг 1-банди** «185» рақамидан кейин «185¹» рақами билан тўлдирилсин;

9) **288-модданинг учинчи қисмидаги** «194, 195» рақамлар «194, 194¹, 195, 195¹» рақамлари билан алмаштирилсин;

10) **305-модданинг иккинчи қисмидаги** «194» рақами «194, 194¹» рақамлари билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 161–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 1-сонга илова; 1997 йил, № 2, 65-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 112, 124-моддалар, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9–10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда; 2009 йил, № 12, 470, 471-моддалар; 2010 йил, № 12, 472-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил,

№ 1, 2-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 12, 383-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 431-модда, № 10, 677-модда; 2019 йил, № 1, 3-модда, № 2, 47-модда, № 5, 261, 267-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 9, 539-модда, № 10, 593, 595-моддалар, № 12, 691-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) **68-моддасининг тўртинчи қисми** «Давлат хавфсизлик хизмати» деган сўзлардан кейин «Миллий гвардияси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»**ги 223–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майда қабул қилинган ЎРК–370-сонли Қонуни тахририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2014 йил, № 5, 128-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда; 2019 йил, № 3, 166-модда, № 12, 880, 886, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **16-модда:**
учинчи қисмидаги «ташкилотнинг (мол-мулкнинг)» деган сўзлар «ушбу давлат мулкнинг (ташкилотнинг ёки бошқа мол-мулкнинг)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи қисмининг иккинчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Бунда жойлаштирилган имтиёзли акцияларнинг номинал қиймати жамият устав фонднинг (устав капиталининг) йигирма беш фоиздан ошмаслиги керак»;

2) **33-модданинг:**

саккизинчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Акцияларнинг очиқ бўнмаса фақат ташкил этилган қимматли қοғοزلар савдоларида ўтказилади»;

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

қимматли қоғозлар эгаларининг реестрларини юритишга доир вазифаларни бажаришда инвестиция воситачиларидан ва чет эллик номинал сакловчилардан мазкур реестрларни шакллантириш учун зарур бўлган маълумотларни олишга ҳақли»;

10) **42-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин: «Ҳужжатли қимматли қоғозларнинг бут сакланиши уларнинг эгалари томонидан, улар Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига топширилган тақдирда эса, мазкур депозитарий томонидан қимматли қоғозларни саклаш жойларида депозитар операциялар стандартларига мувофиқ таъминланади.

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсининг ва инвестиция воситачиларининг ҳисобга олиш регистрларидаги қимматли қоғозлар ҳамда электрон ёзувларининг бут сакланиши, шу жумладан техник тизимда носозлиқлар ва қутилмаган ҳолатлар юзгага келган тақдирда уларни тезкор қайта тиклаш қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи билан биргаликда ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги махсус ваколатли орган томонидан белгиланадиган тартибда таъминланади».

10-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрда қабул қилинган «**Дафн этиш ва дафн иш тўғрисида**»ги УРҚ–276-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 12, 476-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2019 йил, № 11, 792-модда; 2021 йил 4-сонга илова) **11-моддасига** куйидаги қўшимчалар ва ўзгартиш киритилсин: **номи «ички ишлар органлари»** деган сўзлардан кейин «**ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси»** деган сўзлар билан тўлдирилсин;

биринчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин: «Ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни), ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматни ўтаётганда вафот этган ёки тинчлик даврида майиб бўлиш (яраланиш, шикастланиш, контузия бўлиш), касалланиш натижасида вафот этган ҳарбий хизматчиларни, ҳарбий йиғинларга қақирилган фуқароларни, ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларини, шунингдек хизматда бўлиш ёшнинг чегарасига етганлигига, соғлигининг ҳолатига кўра ёхуд ташкилий-шўта тадбирлари муносабати билан ҳарбий хизматдан ёки ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматдан бўшатилган вафот этган фуқароларни дафн этиш вафот этган шахс ҳарбий хизматни (ҳарбий йиғинларни), ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон

Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматни ўтаган вазирлиқлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг маблаглари ҳисобидан, ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширилади. Мазкур шахсларнинг дафн этилишини ташкил этиш қонунчиликида белгиланган тартибда амалга оширилади»;

иккинчи қисми «ички ишлар органлари» деган сўзлардан кейин «ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

11-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган УРҚ–360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, 12-сонга 1-илова; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 10, 605-модда, № 12, 772-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда, № 7, 431, 433-моддалар, № 12, 783-модда; 2019 йил, № 1, 1-модда, № 5, 265-модда, № 8, 470-модда, № 9, 588-модда, № 11, 791-модда, № 12, 884, 891-моддалар; 2020 йил, № 3, 203-модда, № 11, 652-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 7, 13-моддалар, 4-сонга илова) **70-моддаси биринчи қисми 8-бандининг тўққизинчи хатбошиси** «ички ишлар органларида» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

12-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган УРҚ–599-сонли Қонуни билан янги тахрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова) куйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **371-модда иккинчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги** «ички ишлар органларининг» деган сўзлар «ички ишлар органларининг, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **380-модда биринчи қисмининг 4-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«4) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституцийвий тузумини ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг ёки ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда ички ишлар

органлари, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг ота-оналари ва бева хотинлари (бева эрлари). Бу имтиёз «Халок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)», «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штампни қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади. Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, имтиёз уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тегишли органлари ва ҳарбий хизмат назарда тутилган бошқа идоралар томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади. Собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституцийвий тузумини ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг ёки ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёки ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) имтиёз фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади»;

3) **421-модда биринчи қисмининг 3-банди** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«3) собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституцийвий тузумини ҳимоя қилиш ёхуд ҳарбий хизматнинг ёки ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёки ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг ота-оналари ҳамда бева хотинлари (бева эрлари). Ушбу имтиёз «Халок бўлган аскарнинг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» ёки «Ички ишлар органлари ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)», «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳалок бўлган ходимининг бева хотини (бева эри, онаси, отаси)» штампни қўйилган ёхуд пенсия гувоҳномасини берган муассаса раҳбарининг имзоси ва ушбу

муассаса муҳри билан тасдиқланган тегишли ёзувли пенсия гувоҳномаси асосида берилади.

Агар мазкур шахслар пенсионер бўлмаса, солиқ имтиёзи уларга собиқ СССР Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик қўмитаси ёки Ички ишлар вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг тегишли органлари ва ҳарбий хизмат назарда тутилган бошқа идоралар томонидан берилган ҳарбий хизматчининг ёки ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида берилади.

Тегшишча собиқ СССРни, Ўзбекистон Республикасининг конституцийвий тузумини ҳимоя қилиш ёки ҳарбий хизматнинг ёхуд ички ишлар органларидаги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясидаги хизматнинг бошқа мажбуриятларини бажариш чоғида ёхуд фронтда бўлиш билан боғлиқ касаллик туфайли ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ёки ички ишлар органлари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг бева хотинларига (бева эрларига) солиқ имтиёзи фақат улар янги никоҳдан ўтмаган тақдирда берилади».

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

14-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ушбу Қонуннинг 2-моддаси, 4-моддасининг 3-банди, 6, 7 ва 9-моддалари ушбу Қонун қучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтган амалга қиратилади.

Ушбу Қонун 4-моддасининг 4-банди 2022 йил 1 январдан эътиборан амалга қиритилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Ташкент шаҳри, 2021 йил 29 октябрь № УРҚ—726	

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

1 Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 14 та округ сайлов комиссиясида сайлов округи бўйича овоз бериш натижаларини аниқлаш тўғрисидаги баённомалари Марказий сайлов комиссиясига белгиланган тартибда етказиб берилди.

Овоз беришда иштирок этган сайловчилар томонидан ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони куйидагича кўриниш олди: Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан номзод Бахром Абдуҳалимовга 549 минг 766 нафар ёки овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 3,39 фоизи;

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан номзод Шавкат Мирзиёевга 12 миллион 988 минг 964 нафар ёки овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 80,12 фоизи;

Ўзбекистон Экологик партиясидан номзод Нарзулло Обломуродовга 670 минг 641 нафар ёки овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 4,14 фоизи;

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан номзод Алишер Қодировга 888 минг 515 нафар ёки овоз беришда иштирок

этган сайловчиларнинг 5,48 фоизи;

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Максуда Ворисовага 1 миллион 75 минг 16 нафар ёки овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 6,63 фоизи ёқлаб овоз берган.

Ҳақиқий эмас, деб топилган сайлов бюллетенларининг сони 39 минг 443 тани ёки 0,24 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи Округ сайлов комиссияларининг баённомалари Марказий сайлов комиссияси аъзолари томонидан ўрғаниб чиқилди. Ўрганиш натижасида мазкур баённомалар Сайлов кодекси ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг 2021 йил 14 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом талабларига тўлиқ амал қилган ҳолда расмийлаштирилган, деб топилди.

Мажлис сўнигда комиссия аъзолари 2021 йил 24 октябрь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларини аниқлаш тўғрисидаги баённомани тасдиқлади ҳамда қарор қабул қилди.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎЗА мухбири.

Қарор ва ижро

УЗУМЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЮЗАСИДАН ТЕГИШЛИ ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Айни пайтда Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси Б. Тожиев томонидан Президентимизнинг “Узумчиликни ривожлантиришда кластер тизимини жорий этиш, соҳага илгор технологияларни жалб қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг Қорақалпоғистон Республикасидаги ижроси ҳолати ўрганиб чиқилмоқда.

Шу муносабат билан қўмита томонидан ташкил этилган учрашувда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси аъзолари, соҳа мутахассислари, узумчилик тармоғида фаолият олиб бораётган фермерлар, тадбиркорлар, узумчилик кластерлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари қатнашди.

Тадбирда соҳа мутахассислари, тегишли идора ва ташкилотлар вакиллари узумчиликни ривожлантиришда юзгага келаятган муаммолар ва уларни бартараф қилиш чоралари юзасидан тегишли

тавсиялар берди. Мутахассислар томонидан ҳар гектар янгидан барпо этиладиган узумзорлар учун субсидия ажратилиб, имтиёзли кредитлар берилаятгани, шунингдек, ҳудуд иқлимига мос, совуққа чидамли узум қўчатлари пий-томникларни ташкил қилиш ва қўчатчиликни равнақ топтириш зарурилиги алоҳида айтиб ўтилди.

Ўрганишлар Нукус, Амурдарё, Эллиққала, Тўртқўл ва Беруний туманларида давом эттирилмоқда.

Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАДАГИ ФОРУМИДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

1 Форумда Ўзбекистоннинг БМТдаги доимий вакили, элчи Бахтиёр Ибрагимов сўзга чиқиб, мамлакатимиз Президентининг БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясида иқлим ўзгаришларига қарши кураш, атроф-муҳит ва биохил-маҳилликни муҳофаза қилиш соҳасида илгари сургун муҳим та-шаббуслари ҳақида иштирокчи-ларга маълумот тақдим этди.

Ўзбекистоннинг Париж битими мақсадларига эришиш йўлидаги қатъийтига урғу берилди. Мамла-катимиз раҳбарияти томонидан қайта тикланадиган энергия ман-баларига ўтиш бўйича қўрилаятган

амалий чора-тадбирлар алоҳида қайд этилди. Ўзбекистон 2030 йл-га бориб мамлакат иқтисодиёти-нинг энергия самарадорлигини икки баробар ошириш, қайта тик-ланадиган энергия улушини 25 фоизга етказиш ва экологик тоза транспортни ривожлантириши режалаштираётгани айтиб ўтилди.

Иқлим ўзгаришига қарши ку-рашда дунё янги босқичга ки-раётганини ҳисобга олиб, давлатимиз раҳбарининг БМТнинг янги экологик сибасати асосла-рини яратадиган Бутунжаҳон эко-логия хартиясини ишлаб чиқиш бўйича тақлифи муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Ўзбекистон яқин келажакда биохилмаҳиллик бўйича глобал ҳадди дастурининг қабул қилини-шини қўллаб-қувватлаётгани ур-ғуланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Биологик хилмаҳил-лик тўғрисидаги Конвенцияга аз-зо томонларинг махлуслари-дан бирини республикада ўтқа-зишга тайёрлиги тасдиқланди.

Йиғилганлар эътибори Орол денгизининг қуриши оқибатида юзгага келган экологик ҳалокат-га ҳам қаратилди. Элчи мазкур табиий офатнинг салбий оқибат-ларини бартараф этиш бўйича Ўзбекистон томонидан амалга оширилган кенг қўламли чора-

тадбирларни таъкидлаб, халқро-жа ҳамжамиятининг Оролбўйи минта-қасига молиявий-техник ёрдам қўратиш борасидаги саяй-ҳара-катларини мувофиқлаштиришга қатъирди. БМТ Бош Ассамблея-сининг 2021 йил май ойида Ўзбе-кистон Президенти ташаббуси билан қабул қилинган “Орол-бўйи минтақасининг экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғри-сида”ги махсус резолюцияси бу йўналишда асос бўлиб хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

«Дунё» АА. Нью-Йорк

Фракцияларда

КРЕДИТОРЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ИНСТИТУТИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг навбатдаги йиғилишида “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Тақлиф этилаётган лойиҳада қарздорнинг ҳисобварағида унга қўйилган барча талаб-ларни қондирishi учун маблаглар етарли бўлмаган тақдирда, қарздорликларни қоплаш қонун ҳужжатларида белгиланган навбат бўйича амалга оширилиши ҳамда ҳар бир кейинги навбатдаги талаблар ўзидан олдинги навбат-даги талаблар тўлиқ қондирилгандан кейин қаноатлантирилиши белгиланмоқда.

Бу тартибнинг мавжудлиги, ундирилган пул суммаси ижро ҳужжатлари бўйича барча талабларни қаноатлантириш учун етарли бўлмаган тақдирда 3, 4 ёки 5-навбатдаги кре-диторларнинг талабларини қаноатлантирмас-ликка олиб келади. Бу дегани вужудга келган қарздорликнинг маълум бир қисми ҳам кре-диторларгача етиб бормайди.

Шу жиҳатдан, юқоридаги муаммони ҳал этиш учун тўртинчи навбатда бюджетга ва давлат мақсади жағғармаларига тўловлар бўйича талаблар, кредиторларнинг қарздор мол-мулки билан таъминланмаган қарзла-ри,

шу жумладан, қарздорнинг мажбуриятла-ри бажарилишининг таъминоти сифатида тур-ган мол-мулкни реализация қилишдан туш-ган сумма етарли бўлмаганлиги туфайли қано-атлантирилмаган талаблари қаноатлантирили-ш назарда тутилмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳа-сининг қабул қилиниши билан кредиторлар-нинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя-лаш институти янада тақомиллашади. Маж-бурий ижро этиш жараёнида барча кредитор-лар манфаатларини тенг равишда қаноат-лантириш принципи вужудга келади.

Йиғилишда “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими яна-да тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама қилинди.

Мазкур ҳужжат билан 7 та тоифадаги суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари

МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ МУҲОФАЗАСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда 8 минг 210 та моддий маданий мерос кўчаси мулк объекти давлат муҳофазасига олинган бўлиб, улардан 4 минг 788 таси археология, 2 минг 265 таси архитектура объекти, 625 таси монументал санъат асари ҳамда 530 таси диққатга сазовор жойлар ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, сўнгги вақтларда маданий мерос объек-тларида амалга оширилаятган таъ-мирлаш, реставрация ишлари да-вомида бюртмачи, пудратчи, лойиҳачи, экспертиза ташкилот-лари томонидан объекتلарнинг тарихий ва бадий қимматига жуда кўп миқдорда зарар етқа-зиш ҳолатлари кузатилган. Ми-сол учун, Бухоро вилоятидаги Ситораи Моҳи Хоса тарихий маж-мусида реставрация ишлари но-тўғри олиб боришган оқибатида унинг бадий безаклари, нақшла-ри, кошнларни нобуд қилиниб, тарихий ва бадий қийматига 28 миллиард сўм миқдориди зар-рар етказилган.

Бош прокуратура томонидан республика бўйича охириг уч йил-да 320 та моддий маданий ме-рос объектида амалга оширил-ган асраш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари лойиҳа-смета ҳужжатла-

тиклаб бўлмас зарар етказилган. Йўқотилган ёки зарар етказил-ган моддий маданий мерос объектларини асл ҳолатга келти-риш имкони мавҳуд эмас ва уларнинг ноёблигини қайта тиклаб бўлмайди. Афсуски, бун-дай ҳолатлар Жиноят кодексининг 132-моддаси тахририга кўра ихтимойй ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига кирди.

Қонун лойиҳаси билан соҳада ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбир-ларининг самарадорлигини оши-риш, моддий маданий мерос объектларини нобуд қилиш, бу-зиш ёки уларга шикаст етказган-лик учун жавобгарликни қучайти-риш, бундай тоифадаги объек-тларга жуда кўп миқдорда зарар етказганлигини ифодаловчи қил-мишларни оғир жиноятлар тои-фасига ўтказиш, бу турдаги жи-ноятлар бўйича дастлабки тергов ўтказишни прокуратура органла-рига юклаш, Туризм ва спорт ва-зирлиги ҳузуридаги Маданий ме-рос агентлигининг ижро қилини-ш мажбурий бўлган қўрсатма ва тақдимономалари белгиланган

муддатда ва тўлиқ бажарилмаган-лиги юзасидан жавобгарликни белгиллаш тақлиф этилмоқда.

Муҳокамада сўзга чиққанлар-нинг таъкидлашича, ушбу қонун-нинг белгиланган тартибда қабул қилиниши мамлакатимиздаги мод-дий маданий мерос объектлари, Умумжаҳон мероси рўйхатига ки-ритилган объектлар ва ҳудудлар-ни муҳофаза қилиш, уларнинг но-ёблигини сақлаб қолиш, келажак авлодга етказишда муҳим аҳами-ят касб этади.

Қонун лойиҳаси қизгин муҳо-камалардан сўнг маъқулланди.

Фракция йиғилишида депутат-лар томонидан “Ўзбекистон Рес-публикасининг Солиқ кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида”-ги, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги, “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги, “Органик маҳсулот-лар тўғрисида”ги қонун лойиҳа-лари ҳам электротик нуктаи назар-идан қўриб чиқилди.

Йиғилиш кун тартибидаги ма-салапар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот сибасати ва давлат органларида очиклини таъминлаш масалалари қўмитаси мазкур Қўмита аъзоси Фармон Тошевга волидаи муҳтарамаси

КУРБОНОЙ аянинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик ихсоз этади.

Қонунчилик палатаси қўмиталарида

ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилган масалалар қай даражада ҳал этилаётгани юзасидан Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги раҳбарларининг ахбороти эшитилди.

Унда депутатлар, Ташқи ишлар вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти вакиллари, Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари ўз вақтида қўриб чиқирилиши, ушбу жараёнда қонун устуворлигига риоя қилган ҳолда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари бузилиши, бюрократизм ва сансалолиққа йўл қўймаслик "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг асосий принципларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида синчковлик билан қўриб чиқишда давлат идоралари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти шаффофлигини таъминлаш жамият ҳаётида энг муҳим ва долзарб аҳамият касб этмоқда.

Йиғилишда дастлаб ташқи ишлар вазири ўринбосари Э. Ҳамроевнинг ахбороти эшитилди.

Вазирлиқнинг маълумотига қўра, жо-

рий йилнинг 9 ойи давомида вазирликка жами 14 минг 641 та мурожаат тушган бўлиб, улардан 1 минг 918 таси виртуал қабулхона орқали келган. Ушбу мурожаатларда кўтарилган масалалар юзасидан фуқароларга тегишли жавоблар қайтарилган.

Жумладан, хориждаги Ўзбекистон фуқароларига консуллик-хуқуқий ёрдами кўрсатиш, шахсини тасдиқловчи ҳужжатини йўқотган ва моддий жиҳатдан қийин аҳволга тушиб қолган фуқароларни республикага қайтариш, фуқароларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишлари ҳолисона қўриб чиқирилиши бўйича илтимосномалар киритиш, вафот этганлар жасдларини Ўзбекистонга олиб келиш, ташқи савдо ва инвестиция соҳасидаги масалаларга оид мурожаатларни ҳал қилиш бўйича вазирлик томонидан тизимли ишлар йўлга қўйилган.

Эшитув давомида, шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги бошлиғи Х. Умаровнинг ҳам ахбороти тингланди.

Ахборотда келтирилганидек, шу йилнинг учинчи чораги якунига қадар агентлик ва унинг тузилмаларига жисмоний

ва юридик шахслардан жами 180 минг 22 та мурожаат келиб тушган бўлиб, улардан 7 минг 833 таси ёзма, 172 минг 189 таси оғзаки мурожаатни ташкил қилади.

Шунингдек, оғир вазиятга тушган 281 нафар фуқаро ва хорижда вафот этган 361 фуқаронинг жасади Ватанга қайтарилишида амалий ёрдам кўрсатилган. Давлат хизматлари агентлиги орқали мурожаат қилган 9 минг 108 нафар хорижий фуқарога меҳнат фаолияти тасдиқномаси берилган ва уларнинг муддатлари узайтирилган.

Йиғилишда депутатлар ҳозирги пандемия шaroитида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида кўтарилаётган долзарб масалалар қандай тартибда ҳал этилаётгани билан қизиқди.

Айни вақтда юридик ва жисмоний шахслар мурожаатларини оғзаки, ёзма ва электрон шаклда қабул қилиш учун жорий этилган инновацион тизимдан фойдаланиш, жумладан, электрон мурожаатларни қабул қилиш учун (info@migration.uz) электрон почтаси, хорижда моддий ёрдамга муҳтож бўлган меҳнат мигрантлари учун (bigamig.com) махсус платформа, ЕХТХ билан ҳамкорликда меҳнат миграциясига доир маслаҳат олиш учун <https://consaltlabormigration.uz> онлайн платформаси, "Call-марказ" ҳамда "1282" қисқа рақами ташкил этилган.

Йиғилишда кун тартибидagi масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

МИНЕРАЛ ХОМ АШЁ БАЗАСИНИ БОЙИТИШ БОРАСИДАГИ ТАДБИРЛАР ТАҲЛИЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан "Республика минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар" мавзусида семинар ўтказилди.

Унда Президентимизнинг 2021 йил 3 февралдаги Фармони билан тасдиқланган Давлат дастурининг 70-банди бўйича бажарилган ишлар депутатлар томонидан атрофчи муҳокама этилди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлган минерал хом ашё базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, ер қазирни геологик жиҳатдан ўрганиш, фойдаланиш қазилмалардан фойдаланиш, муҳофазаси қилиш соҳасини бошқариш ва назорат тизimini тақомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, соҳани ривожлантириш ва геология-қидирув ишлари самардорлигини кўтариш бўйича 2019 — 2021 йилларда қабул қилинган қарорлар ҳамда Давлат дастурида белгиланган топшириқлар асосида устувор геологик вазифалар белгиланди. 2021 йил 16 февралда Минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш дастури тасдиқланди. Уларнинг ихроси доирасида соҳани модернизация қилиш ва рақамлаштириш, геологик қидирув қўлами ва самардорлигини оширишга эришилмоқда.

Жорий йилнинг 9 ойида соҳада бажарилган ишлар натижасида хом ашё базаси кенгайиб, янги истиқболли майдонлар аниқлан-

ди. Шунингдек, 18 та янги кон топилди. Шулардан 2 таси олтин, 1 таси уран, 4 таси ер ости суви ва 11 таси норузда қазилма конлариди.

Тадбирда қайд этилганидек, ер қазирдан фойдаланиш, қудқуқлар бурғулаш ва сувдан фойдаланиш учун 6 турдаги лицензия ва рухсатномалар тўлиқ "E-AUKSION" ва давлат хизматлари марказлари орқали йўлга қўйилди. Янги механизм асосида 365 та кон ва майдон тадбиркорларга тақлиф этилиб, лицензиялар берилди. Қимматбаҳо металлларнинг олтин изловчилар усулида қазиб олиш тартиби амалга ошириб келинмоқда. Ҳозирда Навоий ва Самарқанд вилоятлари ҳудудига 197 участка 61 та тадбиркорга реализация қилинди.

Тадбирда республика минерал хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тўлдириш борасида амалга оширилган ишлар, соҳадagi мавжуд муаммоларни баратараф этиш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

Қизғин тақлиф ва тавсияларга бой бўлган тадбирда муҳокама этилган масалалар юзасидан келгусида соҳада бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилан олдинда ва тегишли қарор қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ТАЛАБАЛАР ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ҲАР БИР ХОДИМИ МАСЪУЛ

Шу кунларда интернет сайтлари ва ижтимоий тармоқларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида декан ўринбосари ва талаба қиз ўртасида қўлиб ўтган ҳодиса ҳақида тарқалган хабарлар кенг жамоатчиликнинг жиддий танқидига ва мунозараларига сабаб бўлмоқда.

Давра суҳбати

Зеро, бу сингари ҳолатлар миллий кадриятларимизга мутлақо зид хатти-ҳаракат бўлиб, айниқса, унинг нуфузли таълим даражасида юз бергани аңчанарли ҳолат, албатта.

Кеча Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш ҳамда Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмиталари томонидан юртимиздаги барча олий таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида ташкил этилган видеоконференцалока шаклидаги давра суҳбатида айни шу ҳамда келгусида бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш масаласи чуқур таҳлил қилинди.

Унда қайд этилганидек, ҳар бир соҳа ва касбнинг ўз одоб-қоидаси ва меъёрлари бор. Уларни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шундан келиб чиқиб, тадбирда олий таълим муассасаларида педагог ходимларнинг ўзини тутиши, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилган ҳолда фаолият олиб бориши зарурлигига алоҳида урғу

берилди. Ўз навбатида, талабалар билан мулоқотда уларга зўравонлик қилиш, тазйиқ ўтказиш, жамиятда юриш-туриш қоидаларига зид равишда ноҳуя хатти-ҳаракатлар содир этиш таълим тизими ходимлари учун шармандали ҳолат эканлиги яна бир бор эслатилиб, шу воқеа мисолида ҳам меҳнат жамоалари, хусусан, олий таълим муассасалари ходимлари ўртасида доимий тушунтириш ишларини олиб бориш зарурати мавжудлиги айтиб ўтилди.

Давра суҳбатида, шунингдек, талабаларга бундай нохуш ҳолатлар юз берганда зудлик билан "Ишонч телефони" ёки ҳуқуқни муҳофазасига қилувчи органларга хабар бериши кераклиги тушунтирилди.

Тадбирда сўз олган иштирокчилар томонидан талабалар хавфсизлиги учун олий таълим муассасаларининг ҳар бир ходими масъул эканлиги, уларга нисбатан ноҳуя хатти-ҳаракатлар қилишга йўл қўймаслиги бўйича қатъий чоралар қўриш ва бунда жамоатчилик назоратини қўчайтириш лозимлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».

УЧИНЧИ РЕНЕССАНС БУНЁДКОРЛАРИ МАСКАНИ



Мушкетер КОДИРОВ (ўса) олтин сўрактор.

Янги ва инновацион таълим дастурига эга мактабга энг иқтидорли ўқувчилар саралаб олинди. Синфхоналар ҳар бир фан учун махсус жиҳозланди, электрон доскада дарс жаҳлида, танлаш вақти, ўқитувчи ҳақида қисқача маълумот берилди. Дарслар якунланган, ўқувчилар турли фан тўғрисидаги қатнаш-

ди. Дарс тугаши ва бошланишидан оқоғатларнинг қўнғироклар ўрнига ўқувчиларга руҳан тетиклик ва мотивация берувчи куй-қўшиқлар жарағиллайди. Ўқувчилар ҳафтанинг беш кун давомида бу ерда ҳам яшайди, ҳам ўқийди.

— Иттиҳон асосида 5 — 10-синфларга 144 нафар иқтидорли ўқувчи қабул қилинди. Янги ўқув йилидан

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

Юртимизда амалга оширилган кенг қамровли демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижаларини бугун жаҳон ҳамжамияти тан олмоқда.

Бу эса Ўзбекистоннинг дунёдаги мактеби, нуфузи ва обрўси кўтариллишига замин яратяпти. Айниқса, сўнгги беш йилликда Харақатлар стратегиясида белгиланган мақсад ва чора-тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши юртимиз тараққиётида янги Ўзбекистон пойдеворини яратишга хизмат қилади.

Нуқтаи назар

Мамлакатимиз ялпи маҳсулоти ҳажми 2010 йилда жорий баҳоларда 62,4 триллион сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб у 580,2 триллион сўмга етди ёки тўққиз баробар кўпайди. Шу давр оралиғида саноатда аҳоли истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 13,7 триллион сўмдан 119,1 триллион сўмга ошди ёки қарибб тўққиз баробар ўсди.

Бу ютуқлар замирида мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати, келажакка ишончи, бунёдкорлик салоҳияти, янгилик яратиш иштиёқи, ботинида яшаётган тадбиркорлик қуввати, масъулият, меҳр-оқибат сингари юксак фазилатлари муҳассас, десак, айни ҳақиқатдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ижодкорлиги, онгу шуури, ватанпарварлиги, яратувчанлиги, дунёқараш, авлод-аждодлар меросига муносабати нуқтаи назаридан ҳам ўттиз йил олдинги ҳал эмас.

Охириги йилгирма йил ичида аҳоли жон бошига ҳисобланган реал жами даромадлари 2000 йил 77,3 минг сўмдан 2020 йил 10873,2 минг сўмга юксалди ёки 140 баробар ўзгарди. Худудлар орасидаги фарқлар бирмунча қисқарди. Сўнгги ўн йил оралиғида аҳолининг ушбу муддат фойдаланганидан товарлар хараиди кескин ортди. Жумладан, ҳар 100 оилага тўғри келадиган телевизорлари сон 132 дан 162 га, музлаткичлар 99 дан 106 гача, шахсий компьютерлар 12 дан 55 тага, қир ювиш машиналари 75 тадан 89 тага, мобиль алоқа телефонлари 145 тадан 282 гага, енгил автомобиллар 21 тадан 49 тага етди.

Мамлакатимиз оилалари таркибида ижобий силжишлар кузатилди. Агар 2000 йилда 16 ёшга етмаган болаларга эга бўлмаган

оилаларнинг улуши 18,6 фоизни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилга келиб 27,7 фоизга етди.

Қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотлар, ер майдонлари тўлиқ хусусий кластер ва кооперацияларга берилган пахтачиликда ҳосилдорлигини 2020 йилда ўртача 10 фоизга ошириш имконини яратди. Мева-сабзавотчилик, галлачилик ва чорвачиликда ҳам 500 га яқин кластер ва кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Бунинг натижасида пандемиянинг салбий таъсирига қарама-қарсидан, ўтган йили 1 миллиард долларлик мева-сабзавот экспорт қилинди.

2020 йил якуни бўйича Давлат бюджетининг даромадлари 161,7 триллион сўм, харажатлари 187,4 триллион сўм бўлди. Шу билан бирга, Давлат бюджети тақчиллиги 25,7 триллион сўмни ёки ЯИМга нисбатан 4,4 фоизни ташкил этди. Ўтган йил аҳолини ижтимоий ҳўмоқ қилиш борасида тўб бурилиш йили бўлди: ижтимоий нафақа олувчилар қамрови 2 баробар оширилди, 1 миллион 200 минг нафарга етказилди. Ушбу мақсадларга бюджетдан 2016 йилдаги нисбатан 5 баробар кўп маблағ ажратилди.

Кичик ёшдаги болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси тўрт йил давомида 2 баробар ортди, 60 фоизга етди. Боғчалар сони эса ўн баробар кўпайиб, 14 мингдан ошди. Ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 28 фоизга етди.

Янги Ўзбекистон мафкурасининг илмийлиги

Янги Ўзбекистонни яратиш кучли мафкурага боғлиқ. Янги Ўзбекистон тушунасиз реал воқеликка айланмоқда. Чунки ушбу мафкурани қузатсак, унинг илмийлиги, тизимлилиги, ҳаётийлиги ва натижадорлигига амин бўламиз.

Дарҳақиқат, Президент Шавкат Мирзиёев ушбу масалга оид йиғилишда таъкидлаганидек, агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодий бўлса, унинг жони ва руҳи маънавийдир. Биз янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустахкам устунга таянамиз. Биринчиси — бозор тамойиличига асосланган қучли иқтисодиёт. Иккинчиси — аждодларимизнинг бой мероси ва миллий кадриятларга асосланган қучли маънавият.

Иқтисодиётни тизим тарзида таҳлил қилсак, у иккита йирик супертизим — жамият ва табиат кесимида вуҷудга келган. Шундан келиб чиқиб айтидиган бўлсак, иқтисодий тизим бир томондан жамият, иккинчи томондан табиатнинг бир бўлагидир. Шу маънода, ҳар бир барқамол шахсини жамиятнинг бир аъзоси, фуқароси, деб қаралганда унинг муносабати ва хатти-ҳаракати таҳлил этилади. Авваламбор, бу ерда инсонни эоз-неъматлар, хизматлар, маънавий ва маданий товар ҳамда ахборот истеъмолчиси, деб ўрганамиз. Бундай қарашда унинг гуманизм, эъзулиги ва одамгарчилик хислатлари устувор бўлади. Жамиятда бўлаётган ҳодиса, воқеа ва жараёнларга муносабати, иштироки, фикри даражаси ҳисобга олинади.

Агар шахс иқтисодиётнинг таркибида ишлаб чиқариш жараёнининг субъекти, деб ўрганилганда, унинг иқтисодий фаолиги, меҳнатга муносабати, унумдорлиги, меҳнат жамоасидаги муносабатларини ўрганиш аҳамиятлидир.

Иқтисодиёт ва маънавият ўртасида кетма-кетлик йўқ. Аммо ўзаро боғлиқлик, яъни икки томонлама алоқа мавжуд, илмий тилда ўзаро қорелляция бор.

Танқиди мутафаккир, олим Френсис Фукуама фикрича, иқтисодиёт ва маънавият иккита жараён бўлиб, бири билан иккинчиси орасида аниқ кетма-кетлик қонуни, шунингдек, иқтисодиётга унинг таъсири топилмаган. Бундай чиқишда дастурлаш масалаларининг аниқ ечими йўқ, Чунки тенгламалардаги ўзарувчилар сон тенгламалар сонидан кўп.

Бу фикрга қўшилмаган ҳолда айтиш мумкинки, ҳозирги эконометрик моделлар ва усуллар жаҳонда мамлакатлар иқтисодиётига таъсир этадиган омиллар, жумладан, маънавиятнинг таъсирини аниқлаш-

ган. Ҳамма гап усулни ўзгартиришда. Эконометрика моделлари жами омиладаран асосийларини танлаш ва уларнинг мутлоқ ва нисбий иқтисодиёт ўсишига таъсирини компьютер дастурлари ёрдамида аниқлашга қодир. Бундай тадқиқот олиб борадиган марказлар эса жаҳонда талайгина. Янги маънавият методологиясини яратишда омиллар шуну этибдорда тутиши лозим.

Иқтисодиёт ва маънавият диалектикаси

Президентимиз матбуотга берган интервьюсида "Таъкидлаш керакики, Янги Ўзбекистонни барпо этиш — бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки тўб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, ҳалқимизнинг асрий иттилошлариға мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир", деб таъкидлади. Бу объектив зарурат юртимизда шакланган қучли иқтисодиёт заминидан вуҷудга келмоқда. Қучли бозор иқтисодиёти барқарор, демократик, ҳуқуқий, макротиқсодий ислохотларни амалга оширишга замин яратяпти. Ислохотларнинг натижадорлиги эса бу борадаги барқарорлик даражасида кўринади.

Чўнки бозор иқтисодиёти — тежамли, хусусий мулкчиликка, тадбиркорликка, рақобатга ва моддий манфаатдорликка асосланган иқтисодиёт. Демак, иқтисодий барқарорлик маънавият юксалишига ва ўз навбатида, маънавият барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Улар бир-бирига боғлиқ.

Дарҳақиқат, иқтисодиёт жамият танасининг қони экан, унинг меъёрида айлиниши ёҳуд ўсиш сурьати қучли маданий шаклланишига хизмат қилади ва худди шундай, жамият ҳаёти танасининг "жони ва руҳи" соғлом ва тетик бўлса, иқтисодиёт барқарор ривожланади. Фақат ана шу жараёнларни ўрганадиган илмий методология яратилиши, компьютерларда "кон"нинг таркибини таҳлил этадиган ҳамда таъкидлаган "жони ва руҳи"ни "кардиограмма" қиладиган усуллар яратилиши лозим. Шунда маъ-

навиятнинг иқтисодиётга қанчалик хизмат қилаётгани ва ақсинча, иқтисодиётнинг инсонлар тафаккури, онги ва маданиятига таъсирини тизимли, микдорий аниқлаш имконияти яратилади, танага "ташхис" қўйиш ва уларга қилинаётган инвестицияларнинг самарадорлиги ўлчанади. Бу эса турли мутахассислардан ташкил топган тадқиқот гуруҳлари фаолият олиб боришини тақозо этади.

Тараққиёт «драйвер»лари: вақт ва истеъдод

XX аср тарихида индустриал жамият сифатида кирган бўлса, ҳозирги даврни постиндустриал жамият, яъни глобаллашган, тез ўзгарувчан, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, миллий ва умуминсоний кадриятлар интеграциялашган аср, деб аташади. Асосий фарқи шундаки, олдинги асрда иқтисодий муносабатларда ва ишлаб чиқаришда машина, ускуна, автоматик линиялар, бир сўз билан айтганда, капитал устувор бўлган. Биз яшаётган даврда эса асосий ишлаб чиқариш омилли бўлиб инсон капитали юзага чиқди. Дунёга машҳур швед олими Ч. Нордстрём ва И. Риддерстрале томонидан чоп этилган ва 36 тилга таржима қилинган "Капитал истеъдоднинг мусикасига рақсга тушади" китобида қайд этилганича, тараққиётнинг асосий омиллари вақт ва истеъдоддир. Маънавият назирачилари фуқароларда эъзулик, одамийлик ва гуманистик тафаккурнинг шаклланишини уларнинг даромади ортиши, турмуш шароитининг яхшиланиши ҳамда ҳар қим ўзининг статусини бошқалар тан олишини талаб қилиши билан боғлайди.

Бизнингча, ҳар бир фуқаро бўлаётган жараёнларга ўз фикрини баён этиши ижобий ҳол, чўнки бефарқлик, лоқайдликдан ёмони йўқ. Албатта, шахсий фикрлар мантиққа, оммавий фактларга таянса, турли фикрлар ўзаро интеграциялашиб, мушоҳададан оммавий, ижтимоий фикрга айланади.

ТАРИХИЙ УЧРАШУВДА БИЛДИРИЛГАН ТАҚЛИФЛАР АМАЛГА ОШАПТИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг август ойида тадбиркорлар билан бўлган очиқ мулоқоти чоғида барча масала, муаммо ва қийинчиликлар рўйиност айтилиб, ўртага ташланган эди. Ҳар бир тақлиф инобатга олиниб, ҳал қилиш чора-тадбирлари қўрилиши қайд этилганди.

Фикр

Давлатимиз раҳбари томонидан 27 октябрь кунини имзоланган "Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юқини қамайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор ҳам аинан тадбиркорлар тақлифларининг эътирофи бўлди, десак, айни ҳақиқат.

Мазкур қарор билан тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг валюта хатарларини қамайтириш учун 1 миллион АҚШ долларига миқдорда хорижий валютада ажратилган кредитлар миллий валютага ўтказиб берилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Тижорат банкларида хорижий валютада олинган кредитлар миллий валютага ўтказилганда амалдаги компенсация тақдим этиш тўғрисидаги шартномалари мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектлари эквиваленти 1 миллион АҚШ долларидан, фойз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмайдиган кредитларнинг асосий ставкадан ошадиган, лекин 5 фоизли пунктдан кўп бўлмаган қисми бўйича фойз харажатларини қоплаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан компенсация тақдим этилиши белгиланди.

Албатта, бунда жамғармага мазкур кредитлар бўйича амалдаги компенсациялар микдорини қайта ҳисоб-китоб қилиб, уларнинг умумий микдорини мутаносиб равишда ўзгартиришга ҳам рухсат этилди.

Қувонарлики, жорий йилнинг 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси номидаан чет эл валютасида тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳўкумат молия ташкилотлари маблағаларни ҳисобидан жалб қилинган кредитлар лойиҳада иштирок этувчи молия ташкилотларига 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ёки улар жалб қилинган муддатга қайта кредитланган бўлади.

Назаримизда, тадбиркорлар Президентимиз билан ўтказилган очиқ мулоқотни узоқ вақт эслаб юришса керак. Сабаби, бу тарихий учрашувда билдирилган тақлифлар, айтилган муаммолар бирин-кетин ҳал этиляпти.

Умуман, бугун тадбиркорнинг юқи енгиллашпшти, имкониятлари кенгайилмоқда. Зеро, уларнинг юқи қанча енгиллашса, элу юрта нафи шунча кўп тегади. Юрт тарақиёти ва раванки учун бизни вақиларини қўллаб-қувватлаш қанчалек муҳимлиги ана шу қарорда ҳам ўз аксини топган.

Ҳазратқул ХўЖАМҚУЛОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Мустақилликнинг ilk йилларида маънавият ва маърифат ҳақида қўллаб асарлар яратилди, тадбирлар, йиғилишлар ўтказилди, қўллаб қоралар қўрилди. Аммо улар қўп ҳолда қутулган натижалар бермади. Чўнки юксак маънавият эгаси, маърифатчининг тилик образи орқали бу ишларга баҳо берилди. Президентимиз таъкидлаганидек, янги Ўзбекистоннинг